

## ЖАХОЛАТ ДАРДЛАРИДАН

Исмимизни билмаймиз! Нима учун? Бизга ўргатмабдурлар. Масалан, исмимиз Абдулсамад экан, «Абсамат», хатто, кишлокларда «Апсат» дерлар. (Афу буюрулсун, адабдан хориж бўлса-да, адабга даъват этар.) Оти Ёдгор экан — «Жодигор», Лутфулло экан — «Нутфулло» аталадур. (Астагфурулло!) Галат атамок сабаби ила авом котиблар тарафидан козихона, валаснойхона хужжатларинда ва ҳукумат маҳкамаларинда ҳам шул тарика галат ва масхаралик холатинда ёзилур. Хатто, шаҳарларда, дўкон ва корхоналарни тепасинда русча ва мусулмоний хат илан «Обдукодир», «Патхулла», «Санатулло» («Санъатулло»), «Обдурахмон» ва мундан ҳам галатрок ёзилиб осилган лавхалар бордур. Бу галатлар бонка ва хазина ва нотариўс-маковолот муҳаррирлиги доираларигача борар. Бир замон бу галат исмларни тўгри ёзиб маҳкамага берилса, маҳкамадан тўгрини галат деб қайтарарларки, аларни қайтариши тўгридур. Бу галатларни тузатмоги ва ё дурустларни галат қилмоги учун иш эгасига, яъни исмни сохибига хафталар ва ойлар ила югурмок лозим келур. Муни-да кўйдук.

Шундай галат кета берса, йигирма-ўттуз сана сўнгра халк янадан авомрок бўлуб, мусулмон исмлари яна зиёдарок бузилур. Дўкон ва корхоналар тепасиндаги унвонлар мундан зиёдарок галат исмларни шомил бўлур. Энди мунга илож, исм кўйганда, исмни маъносини баён қилинмок ва қайфияти талаффузни ота-онага билдурмок керак. Ва алар болани ўзига ҳам билдурсунлар ва исмларни ёзганда ва чакирганда дуруст атамок керак. Ва ҳам «Жўракул», «Норкул», «Тошмурод», «Болтакул»дек маъносиз исмлар ила болани аталмасун. Балки арабий, туркий, форсий маънолик исмлар ила аталсун... Ажаби шулки, идорада галат ёзилиб келган исмларни тўгри ёзиб юборилса, эгалари рози бўлмайдур. Исмлари арабий экан, араб коидаси бўйинча «алиф» — «лом» ила ёзсанг, шикоят этарлар. Оре, ул бечораларга айб йўк. Айб жахолатга ва мактабсизликга ва рухонийларни(нг) мусохалаларинда, диний ва миллий ишларга диккат этмаганлариндадур. Исм тўгрисинда тотор биродарларимизни ҳам баъзи холлари ажойибдур. Масалан, «Айнулло», «Набиюлло», «Рухулло» деган исмларга учраладурки, бу ҳам бир навъ диккатсизликдур.

*«Ойна» журнали, 1914 йил, 18-сон, 318—319-бетлар.*